

СОН

Пудрат шартномаси

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган BOTIROV ASADBEK FAMILY МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Солиев Аваз Ботирович бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган Вобкент туман Мактабгача таълим булими номидан Низом асосида иш кўрувчи Н.Жумаев иккинчи томондан доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишларни тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятни конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтнчалик ишлар”: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур зарур бўлган хар тидаги вақтнчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ умумий суммаси 151213000 (Бир юз эллик бир миллион икки юз ун уч минг) суммани ташкил этади ишларни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиши ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори 2022 йил “09” сентябр даги 144621 сон баённома) билан тасдиқланган 17-сон ДМТТ ни жорий тамирлаш ишлар ва хизматларни қиймати барча соликлар, ўнгимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда Умумий суммаси 151213000 (Бир юз эллик бир миллион икки юз ун уч минг) сўмни ташкил этиб сентябр ойида 30% 45363900 сумма аванс тулов амалга ошириш шарт.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлгандан;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлгандаги иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган гартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлгандаги ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга “___” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидаги 50%ни ўзининг қучлари билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофиқ топшириш;

- “___” иловага мувофиқ курилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларни етказиб бериш, уларни қабул килиши тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони ҳудудида вақтнчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- курилиш таваккалчилигини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объекти фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтнчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини кўриклинишни таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техники хафисизларни таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объекти фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объекти курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишида техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабулиши килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиши таъминлаш;

- молиялаштириши жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижтимоий рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилингандан томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:
кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилингандан шартнома конун хужжатларга
мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан
бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 45 ни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 109467000 (Бир юз туккиз
миллион турт юз олтмиш этти минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари
асос ҳисобланади (3-илов)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни
бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объекtnинг умумий шартномавий жорий қийматнинг доирасидан амалга оширилади.

17. Объекtnинг шартномавий жорий қийматнинг колган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўтрасидаги узил-кеисил ҳисоб-китоб қурилиш
тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибида кабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада
белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объекtnинг
Буюртмачига топширилгунга қадар, объекtnинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилиган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун
мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларидан белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равишида хабардор қилган
ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибида бекор килиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи
томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар
сифати устидан техник назоратни амалга ошириди, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асоб ускуналар шартнома
шартларига ва иш хужжатларига мувофикларни текшириди.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз
танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлари учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш
майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишида қатнашиди.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган
ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришини мустақил равишида ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишида Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши
учун қонун хужжатларидан белгиланган тартибида жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш
ахлатини жойлаштириш ва етишмайтган тупроқни қазиб олиши учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини
белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуктларни, уларнинг координатлари ва
баландлик белгиларни тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объекtnинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек
баландлик белгиларни ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофикларни тўғри жойлашганини учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларидан хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишади
ҳолда тегиши тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиши ишларида ўтнишиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини
ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуктларидан янгидан қурилиш
коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга ошириди.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишида кўлланиладиган қурилиш материаллари, асоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар
конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларидан кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техни
шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегиши сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатлар
эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишини бошлашдан 2 кун олди
Пудратчи Буюртмачини ва қурилишида Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни орали
кабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишида Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар
текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажариш
киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечик
хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталиг
хисмени ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурdir.

Пудратчи Буюртмачининг мағнитаатларга жиддий таъсир қўлмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачини
розилигисиз амалга оширеа, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланадиган.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аниқласа у ҳол
Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилг
муддатда қайта бажаришга мажбурdir, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатисиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечики
оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тулаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради
озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишлар
бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларидан аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши сана
материаллар, асоб-ускуналар берилishi, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар
вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек
қурилиш тугаллашни узил-кеисил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида
фиқирини баён қиласи.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратади. Тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўйсилган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарурдаражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажкор) холатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариши муддати енгиг бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиг бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келишига олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишига ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишига қабул қилиб олишининг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлай кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариши;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиши учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларидаги кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техники шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишиning кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтда бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиши қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиши ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қамида ____ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати қамида ____ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланаб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарининг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текширичиши қурилишида Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаа қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишининг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан би ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилганда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариши жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олини келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтати кўйилганди;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддати Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришни юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдан тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:
- иккичинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий база тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошка жавобгарлика тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қўлмаганини, ўз вақтида молияштирганини шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганини учун Буюртмачи Пудратчига кечиқтирилган ҳар бир кун учун мажбуриятини бажарилмаган қисмининг 10 % миқдорида пена тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизмати қийматининг 0,5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пена тўлаши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асосиз равишда бош тортинганини учун Буюртмачи Пудратчи ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектини ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганини учун Буюртмачига муддати ўтка юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пена тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 0,5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсанлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун сифатиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида пена тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизидан ошмаслиги керак.

Пена тўлаши Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш мевёrlари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувоффақ бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектини кабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлаши, бош тортниш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг ___ фоизи миқдорида ундириш хукукига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномада бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдаланадиган пена билан қопланмаган заарларни қоплаиди.

64. Муддат ўтказиб юборилганини ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пена тўлайди, томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзабитимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатини субпудратчилардан ташқари, байрон-бир учини томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгаририш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланибўлса ҳақиқий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига оғзакеладиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якупланганидан кейин қурилиши майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашини кечиқтиришга ҳақлиидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII Капурсияга карши курашиш

73. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарётгандиа Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга карши курашиш тўғрисидан қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширайдилар, шу жумладан пора, яни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини қўзлаб муайянлаштиришга ҳаракатларни қилмайди:

пора беришини таклиф килиш ёки вадда бериш;

төвламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш

бевосита ёки бўлвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

74. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходимиининг ахлоқка тўғри келмайдиган ва ушбу шартни ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупсияга оид хукуқбузарлик соҳасидан этишга мажбурашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақдаги алоқа каналларидан бироқ орқали хабардор қилиши керак. Коррупсия ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони; Телеграм-канали (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) расмий вебсайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

Вобкент туман МТБ

Вобкент туман Г.Гулом қуачи № 9

Банк: Тошкент Марказий банк

Х/Р 100022860062127091100251024

МФО 00014

ИНН 305158075.

Рахбар: Н.Жумасев

М.У.

(имзо)



Пудратчи:

Ботиров Асадбек Фемилий мжх

Шоғиркон туман Талисафед МФЙ

Банк: Кишлок Курулиш банк Галаосиё ф


Х/Р:20208000700796156001

МФО: 01037

ИНН: 305029955

Рахбар Солиев Аваз

М.У.


(имзо)



**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarni qonun hujjatlariga muvofiqligi
to'g'risida huquqiy xulosa**

1. Loyihaning turi: Sharhnomalar

2. Loyihaning nomi:

Vobkent tuman Maktabgacha ta'lif bo'limi va Botirov Asadbek Family MCHJ o'rtaida tuzilgan 151.213.000 so'mlik 17-son DMTTni joriy tamirlash to'g'risidagi sharhnomalar.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur sharhnomalar Vobkent tuman Maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 14-sentabr markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti

14.09.2022 yil.



B.G'aybullayev